

## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ: ЗИДДИЯТЛИ ЗАМОННИНГ ВАТАНПАРВАР ЎҒЛОНИ

*Абдуллаев Равшан Бўриевич*

Тошкент тумани 20-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси

...Мангуликдан жой олган – яшар абадий,

Мен-ку, Мангубердиман, олам билади.

Кўкларданми, сувданми, ё ер тагидан,

Балки саҳро бағридан, тоғ этагидан,

Бир кун пайдо бўламан шу юрт, шу ерда,

Юрт шайдоси кўмилмас гурбатда – гўрда.

Улугвор ниятларга кор қилмас ажал,

Ким юртдан ёв қувса – мендурман ўшал...

*М.Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” драмасидан*

Ўзбекистон халқлари тарихида юксак ватанпарварлик намунасини кўрсатиб, энг ёрқин из қолдирган қаҳрамонлардан бири бу шубҳасиз, Жалолиддин Мангуберди хисобланади. Асл исми Жалолиддин ибн Аловуддин Муҳаммад бўлиб, 1198-1231 йилларда яшаган ва Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги султони сифатида 1220-1231 йилларда хукмронлик қилган. Жалолиддин Мангубердининг болалиги тўғрисида манбаларда маълумотлар жуда кам. Унга берилган “Мангуберди” нисбатига ҳам бир қатор қарама-қарши фикрлар мавжуд. Тарихий асарларда Менгбурни, Менгбурний ва Мангуберди каби шаклларда учрайди. XVI асрда яшаган Гози Аҳмад Ғаффорий “Жаҳоноро” асарида ўзидан олдин яшаб ўтган тарихчиларнинг фикрларини жамлаб, “Султон Жалолиддин ибн Султон Қутбиддин Муҳаммад бурнида холи бўлган, Менгбурни номи билан танилган машхур одам эди” дейди<sup>1</sup>. Маҳмуд Қошғарий “Девону луғати-т-турк” асарида “менг” сўзини “юздаги ҳол” тарзида ифодалайди<sup>2</sup>.

Фарб тадқиқотчиларидан К. д’Оссон “Чингизхондан Амир Темургача бўлган мўғуллар тарихи” асарида бу нисбатни “Мангуберди” тарзида ўқишни тавсия қиласиди. Бунда “мангу” – абадийлик, худо ато қилган мангулик маъносида келади. Яъни, унинг лақабидан “уни худо мангулик қилиб берди” деган маънони келтириб чиқарган<sup>3</sup>.

Султон Жалолиддиннинг шахсий фазилатлари тўғрисида девонда котиб бўлган ан-Насавий қуидагиларни келтиради: “У буғдоймагиз ранглик. Ўрта бўйлик, туркий киёфалик ва туркийда гапирадиган одам эди, шу билан бирга форсийда ҳам сўзлаша

<sup>1</sup>Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 299.

<sup>2</sup>Маҳмуд Қошғарий. Девону луғати-т-турк. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2017. – Б. 444.

<sup>3</sup>Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. – Т.: 2006. Ўзбекистон, – Б. 300.

оларди... у шерлар орасида энг зўр шер эди, қўрқмас чавандоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У ювош, мулойим одам эди, жаҳлдор эмасди, ҳақоратомуз сўзлар айтмасди. У ниҳоятда жиддий эди, кулмасди, фақат жилмайиб қўярди, кам гапиради. У ҳақгўйликни, адолатни улуғларди, аммо у яшаган даврдаги ғалаёнлар, алғов далғовлар феъл-атворини ўзгартириди”<sup>4</sup>.

Ж.Мангуберди вояга етгач, отаси уни Ғазна, Бомиён, Ғур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон худудларигача бўлган ерларга ҳоким, 1215 йилдан эса тахт вориси этиб тайинлайди. Бироқ бувиси Турконхотун ва қипчоқ амирларининг қатъий норозилиги сабабли укаси Кутбиддин Ўзлуқшоҳ фойдасига ворисликдан маҳрум этилади<sup>5</sup>. Турконхотуннинг мамлакат ички ишларига катта таъсир ўтказишига девондаги кўплаб амирлар қипчоқ уруғидан бўлиб, ўзи эса қипчоқларнинг Баёт ургуни Емек қабиласидан эканлиги сабаб эди<sup>6</sup>.

Валиаҳд шахзода Жалолиддиннинг ворисликдан маҳрум қилиниши сабабларидан яна бири, унинг онаси Ойчечакнинг келиб чиқиши Мухаммад Хоразмшоҳ саройидаги туркман канизакларидан бири бўлганлиги эди<sup>7</sup>. Валиаҳд танлашга ўз таъсирини ўтказган Турконхотун, оналари қипчоқ маликаларидан бўлган Оқшоҳ ва Ўзлуқшоҳларнинг обрўларини кўтариб, Ж.Мангубердига пастроқ назар билан қараган.

Турконхотуннинг ўз набираси Жалолиддинга нисбатан муносабати шу даражада бўлганки, кейинчалик мўғулларга асир тушиб қолиш хавфи олдида ҳам у, набираси Жалолиддиннинг ёрдамини рад килганлиги манбаларда қайд этилган.

Дастлаб Турконхотун хизматида бўлиб, кейинчалик мўғулларга асирга тушганида Жалолиддин томонидан кутқариб олинган ҳарам оғаси Бадриддин Ҳилол шундай гувоҳлик беради. “Мен унга, ўшанда, “ўғлингнинг ўғли, юрагинг жавҳари Жалолиддин ёнига қочайлик”, деб айтдим. Чунки ўша пайтда унинг куч-кудрати, мамлакатининг катталиги ҳақида бизга ҳар хил хабарлар келиб турарди. У эса менга: “Бунақа гапларни бас қил, йўқол! Мен қандай қилиб Ой Чиченнинг ўғли марҳаматига қарам бўлиб яшайман. Ўғилларим Ўзлуқшоҳ ва Оқшоҳдан кейин ундан паноҳ истайми, унга юкиниб борайми? Ҳатто менга Чингизхон қўлидаги асирлиқда бошимдан кечираётган шармандалик ва хўрлик ҳам унинг хузурига боришдан кўра аъло!” деди<sup>8</sup>. Бу фикрлардан Турконхотуннинг катта набирасига муносабатини билиб олишимиз мумкин. Жалолиддин бувисининг хоҳиши билан тожу-тахтдан узоқлатилганлигига қарамай, Мухаммад Хоразмшоҳ катта ўғлининг ҳарбий

<sup>4</sup>Шиҳобиддин Мухаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 296.

<sup>5</sup>Норқулов Н. Жалолиддин Мангуберди. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. III жилд. – Т.: 2002, Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. –Б. 536.

<sup>6</sup>Шиҳобиддин Мухаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 64.

<sup>7</sup>Шамсуддинов Р. Мўминов X. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Академнашр, 2019. – Б. 136.

<sup>8</sup>Шиҳобиддин Мухаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 62.

салоҳиятига ишониб, мамлакатнинг жанубий чегара худудларини унга ишониб топширган.

Мовароуннарҳнинг катта қисми мўғуллар томонидан босиб олинганидан сўнг, таъқибдан қочиб, маълум вақт Хурсонда саргардон бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ плеврит (ўпкага сув йиғилиши) касали билан оғриб, 1220 йилнинг декабрида кувғинликда Каспий денгизи бўйида жойлашган Обесқун шаҳри яқинидаги Ашурा оролида вафот этади<sup>9</sup>. Вафотидан олдин Хоразмшоҳ мамлакатни фақат Жалолиддингина қутқариб қолишини таъкидлаб, сultonликнинг баъзи рутбаларини унга беради. Ан-Насавий гувоҳлик беришича, Муҳаммад Хоразмшоҳ вафотидан олдин шундай буйруқ беради “Мамлакатда ҳукмронлик иплари узилди, давлат асослари кучсизланди ва емирилди. Бу душманнинг асл мақсадалари нима эканлиги аён бўлди: унинг тирноқлари ва тишлари мамлакат баданига қаттиқ ботди. Мен учун улардан қасосни фақат ўғлим Мангуберди олиши мумкин. Шу учун, мана, уни тахтим вориси қилиб тайинламоқдаман. Сизлар иккиласигиз эса унга бўйсунишларингиз ва амрига қулоқ осишларингиз керак”. Шундан кейин у қиличини ўз қўли билан Жалолиддиннинг белига осиб қўйди<sup>10</sup>. Султон Жалолиддин укалари Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳлар билан биргалиқда отасини оролга дафн этганидан сўнг, 70 га яқин одами билан пойтахт Кўхна Урганчга боради. Пойтахт ахолиси сultonзодаларни катта хурсандчилик билан кутиб олади. Бу ерда Жалолиддинга қаҳрамонликларга тўла ҳарбий юриши билан бутун Мовароуннахрга донг таратган дўсти, Хўжанд ҳокими Темур Малик одамлари билан келиб қўшилади.

Султон Жалолиддиннинг укалари билан пойтахтга келганини эшитган беклар аскарлари билан тўпланиб, қисқа муддатда 7 минг атрофидаги суворийлар йиғилади. Бекларнинг қўпчилиги қипчоқларнинг Баёт уруғидан бўлиб, Ўзлоқшоҳнинг тарафини олдилар ва марҳум Султоннинг таҳт ворисини алмаштириш ҳақидаги буйруғини тан олмадилар. Фитнага аралашган беклар, сардорлари Бужи Паҳлавон бошчилигига Жалолиддинни ўлдириш ёки ушлаб дарёга чўқтириш каби, суиқасд режасини тузадилар. Инонжхон исмли содик амалдор суиқасд режаси ҳабарини етказганидан сўнг, Султон Жалолиддин дўсти Темур Малик ҳамроҳлигига 300 отлиқ аскар билан шаҳардан яширинча чиқиб, Хурсоннинг тоғли вилоятларига йўл олади<sup>11</sup>.

Хоразмдан йўлга чиқсан Жалолиддин 16 кунда Хурсондаги Нисо қўрғонига етиб келди. Чингизхон томонидан пистирма учун Хурсонга жўнатилган 700 нафарлик мўғул қисми билан тўқнаш келган Жалолиддин, 300 нафар аскари билан уларни батамом мағлубиятга учратади. Бу воқеадан сўнг, мўғулларнинг “абадий

<sup>9</sup>Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи, I-жилд. –Т.: 2014. –Б. 311. Шамсуддинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Академнашр, 2019. – Б. 136.

<sup>10</sup>Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 79.

<sup>11</sup>Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 79.

кудрати” ва “мағлуб бўлмаслиги” ҳақидаги оғиздан-оғизга қўчиб юрган афсоналарга чек қўйилади. Аҳоли орасида ғалаба ва келажак ҳаётга бўлган ишонч туйғулари уйғонади.

Бу фикрга келишга сабаблардан бири Мангубердининг дўсти ва устози Хўжанд хокими Темур Маликнинг жасоратидир. “Мўғул қўшинлари икки қўл бўлиб, бири Хоразм, бошқаси Самарқанд устига келмоқда эди. Бу иккинчи қўл қўшиннинг Олоқ Нўён ила Субутўй Буға бошчилигидаги фирмалари Сирдарё нахри бўйидаги Хўжанд қалъасига келиб, таслим талаб этдилар. Қалъа беги Темурмалик эди. Душманга рад жавоби берди. Олтмиш минг мўғул шаҳарни қамалга олди ва Темурмалик қўлида бўлган беш минг турк аскари билан мудофаага тутинди. ... Ниҳоят, муносиб бир маҳалда қирғоққа чиқиб, Темурмалик қарши келган душман фирмасини енгиб, соғ колган орқадошлари билан Хоразмга саломат келмишдир”<sup>12</sup>.

Хуросоннинг Нишопур шаҳрига етиб келган Жалолиддин ён-атрофдаги саркарда ва амирларга иттифоққа келишга ундан чопар йўллади. Аммо маҳаллий ноиб ва ҳокимлар унинг атрофида жисплаша олмайдилар. Натижада мўғулларга қарши етарли таянч куч топаолмаган, топган тақдирида ҳам доимо хиёнатларга учраган Жалолиддин, мўғул-тоторларга қарши 11 йил давомида кураш олиб бориб, 14 маротаба жангга киради ва уларнинг 13 тасида ғалаба қозонишга муваффақ бўлди<sup>13</sup>.

Чингизхоннинг ўзи бошчилик қилган Синд дарёси бўйидаги жанг 1221 йилнинг 25 нояброда бошланиб, уч кун давом этди. Жалолиддин ва унинг қўшини мисли кўрилмаган даражада жасорат кўрсатганлигини Мирзо Улуғбек шундай ёритади: “Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг (акула) каби ботир. Қандай қилсинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан, ҳеч бир можарода тенг келолмаган. Лекин у мардликнинг додини берди. Қазои қадар қаршисида қудрат кўлини (мардона) очди. Мардлик билан ундан (қазо) қутулиб бўлмайди. Нима қилсин-қилмасин бу улуғ худо ишидир”.

Султоннинг барча феълу ҳаракати унга (Чингизхон) манзур бўлиб, таҳсин оғзини очиб, ўғилларига юзланди ва деди: “Отага шундай ўғил зарурки, у икки гирдоб-олов ва сув гирдобидан озодлик майдонига чиқа олди!”

Бу султондан кўп ишлар ва хисобсиз қиссалар вужудга келди ва унинг ишларидан ҳар қандай оқил ўғил ғофил қолмаслиги керак!<sup>14</sup>.

Хуллас, Жалолиддин Мангубердининг асосий душманлари мўғуллар бўлиши биланг биргаликда, Рум ҳукмдори Аловуддин Қайқубод ҳам зимдан султонга қарши иш олиб борганлигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Султоннинг Аарат тоғлари

<sup>12</sup> Исмоил Гаспринский “Темурмалик Баҳодир”. Таржимон газетаси. 1906 й. 146 сон.

<sup>13</sup> Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи, I-жилд. –Т.: 2014. –Б. 311.

<sup>14</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. –Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 183-184.

этакларида жойлашган Ҳилот қалъасини қамал қилиш ниятида эканлигини билган Аловуддин Қайқубод элчилар жўнатиб, султонни бу ниятдан қайтаришга уриниб кўради. Таъсир ўтказа олмаслигини билсада, султонга қарши аюбийлар билан сулҳ тузиш учун вақтдан ютишга ҳаракат қиласди. Ан-Насавий бир ҳақиқатни эътироф этади: Аловуддин билан Жалолиддин ўртасида ҳамкорлик битими тузилмаслиги аниқ бўлиб, бу битим тузилганда ҳам Жалолиддинга мўғулларга қарши курашда фойда бермаслиги аниқ эди<sup>15</sup>.

Жалолиддиннинг кучайиб кетиши ёки мўғулларнинг қасосидан қўркқан подшолар ва ҳокимлар ўзаро сулҳ тузиб унга қарши чиқади. Рум (Кўнё) султони Аловуддин Қайқубод ва Хомс, Ҳалаб, Майафориқин ҳамда Байнас ҳокимларининг бирлашган қўшини 1230 йилнинг 10 августида Султон Жалолиддиннинг қўшинини мағлубиятга учратади. Кулай вазиятни қўлдан чиқаришни истамаган мўғуллар бир неча бор ҳарбий қўшин билан ҳужум уюштирадилар. Тўсатдан уюштирилган шундай ҳужумлардан бирида чекинаётган Жалолиддин Майафориқин (ҳозирги Туркиянинг Силван вилояти) яқинидаги Айн-ад-дар қишлоғига келганида тоғлик курд жангариларининг қўлига тушиб қолади. Ўзини хоразмшоҳ эканлигини айтганидан сўнг, уни ўлдиришга жазм этишолмайди. Жалолиддинга ёрдам берса катта мукофот олишини билган курд от олиб келишга кетганида, бошқа бир курд жангчиси Ҳилот қалъаси учун бўлган жангда укаси хоразмлик аскар томонидан ўлдирилганини айтиб, ҷодир ичида қўллари билан устунга боғлаб қўйилган асир холидаги султонга найза санчиб ҳалок қиласди. Бу воқеа мелодий 1231 йилнинг 17-20 август кунларида бўлади. Ан-Насавий эса буни шундай ёритади: “Ҳақиқатан, бу ифлос, разил кимса ўз қилмиши билан энг катта баҳтсизлик келтириб чиқарди, оламни Жалолиддинсиз етим қолдирди”<sup>16</sup>.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тақдирнинг иноятлари ва яқин инсонларининг кўп бора ҳиёнатларига учрашига қарамасдан ўзлигини сақлаб қолган ватанпарвар саркарда, хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангуберди билан ҳар қанча фахрлансак арзиди. Умрининг катта қисмини юрт озодлиги йўлида жангужадалларда ўтказган султон, бир йигитнинг она ватан тупроғи ҳаққи учун қилиши керак бўлган хизматини ортиғи билан амалга оширди. У зиддиятга тўла замоннинг фарзанди бўла туриб, шунчалар катта ишларни амалга оширдики, бунга бир неча одамнинг умри етмайди. Султон Жалолиддин Мангуберди эса эндинини 32 ёшни қарши олган эди. Шундай мард ва жасур аждодимизга муносиб ворис бўлиш янгиланаётган Ўзбекистоннинг ҳар бир йигити учун, ҳам фарз ҳам қарзdir.

<sup>15</sup> Шихобиддин Мухаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 367.

<sup>16</sup> Шихобиддин Мухаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 295.